

5-10-2019

The problem of alienation in the philosophy erich fromm

Inomjon Asatulloyev
Ferghana state university

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Asatulloyev, Inomjon (2019) "The problem of alienation in the philosophy erich fromm," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 1 , Article 20.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss1/20>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

The problem of alienation in the philosophy erich fromm

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ЭРИХ ФРОММ ФАЛСАФАСИДА БЕГОНАЛАШУВ МАСАЛАСИ

Асатуллоев Иномжон Абобакир ўғли
Фарғона давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада Эрих Фромм фалсафасида бегоналашув масаласи таҳлил қилинган. Шунингдек, капитализм ривожланиши жамиятда сиёсий, иқтисодий ва маънавий муносабатларни ўзгартириши, инсонни жамиятдан узоқлашуви ва бегоналашуви сабаблари ҳамда ундан халос бўлиш йўллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: озодлик, капитализм, бегоналашув, ёлғизлик, тушкунлик, махсус инсонлар, эътиқод, дин, жамият, ижтимоий муносабатлар.

ПРОБЛЕМА ОТЧУЖДЕНИЯ В ФИЛОСОФИИ ЭРИХА ФРОММА

Асатуллоев Иномжон Абобакир ўғли
Ферганский государственный университет

Резюме: В данной статье анализируются проблемы отчуждения в философии Эриха Фромма. А также, развитие капитализма изменило политические, экономические и духовные отношения в обществе, причины отделения и отчуждения человека от общества и способы избавления от него.

Ключевые слова: свобода, капитализм, отчуждение, одиночество, депрессия, особые люди, убеждения, религия, общество, социальные отношения.

THE PROBLEM OF ALIENATION IN THE PHILOSOPHY ERICH FROMM

Asatulloev Inomjon
Ferghana state university

Abstract: In this article is analyzed the issues of alienation in the philosophy of Erich Fromm. The development of capitalism has changed the political, economic, and spiritual relationships in the society, and depression, misery, helplessness and solidarity are increasing in people. The philosopher has shown the causes of separation and alienation from the society and ways to get rid of it.

Key words: liberty, capitalism, alienation, loneliness, depression, special people, beliefs, religion, society, social relations.

XX аср ғарб фалсафаси янгича тафаккур ва дунёқараш, теран ақл ва буюк қалбли инсонларни шаклланишига кучли таъсир ўтказди. Бу жиҳатдан, айниқса, Эрих Фроммнинг фаолияти, ижоди муҳим аҳамият касб этади. Эрих Фромм ижодида инсоний қадриятларнинг юксак хислатлари – ахлоқийлик, эркинлик, биродарлик, комил инсонни яратиш каби масалалар олға сурилди.

Замонавий капиталистик жамият одамларни ўрта асрнинг чексиз мажбуриятларидан озод қилди, аммо озодликка эришган одамларнинг муаммолари кўпайишда давом этди. Фромм учун озодлик бу бугунги жамиятга чуқур боғлиқ бўлган тушунча бўлиб, “нимадандир озодлик”, яъни инсонларнинг ақлий, ҳиссий, ички ихтиёрини, эркинлигини ифодаловчи ирода бўлсада, инсонни жамиятдан узоқлаштиради ва бегоналаштиради. Саноатлашган ва капиталистик жамиятда юзага келаётган муаммоларни бартараф қилишда Фроммнинг бегоналашув концепцияси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни ёритишни мақсад қилдик.

Капитализм ривожланиши сиёсий, иқтисодий ва маънавий муносабатларни ўзгартирди, жамиятнинг ахлоқий ришталаридан халос қилди. Кўп давлатлар ўзининг сайлов тизимига эга бўлди ва сайловчи жинси, касби, мавқеидан қатий назар эркин ва тенг овоз бериш ҳуқуқига эга деган тамойил шаклланди. Феодол даврда эса бир бола фермер оиласида туғилса фермер, хизматкор оиласида туғилса хизматкор бўлишига тўғри келган[1]. Ҳозирда аёллар ҳам йирик корпорацияларнинг ёки давлатларнинг раҳбари бўла олади. Тезкор ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш сабабли XVIII асрдаёқ оила ришталари ва оилавий қадриятлар қадрсизлана бошлади. Оила билан боғлиқ тушунчалар, яъни, бўйсунуш, диёнат, турмушдаги вафодорлик кабилар асл маъносини йўқотди[2]. Биринчи ва иккинчи жаҳон уришидан кейин ёшлар ота-онасига ғамхўрлик қилмайдиган, истаганини бажарадиган бўлишди. Ўрта асрларда оилавий муносабатларда ҳиёнат қилиш, бўйсунмаслик қораланарди. Ҳозирда оила аъзоларига ҳукмронлик қилиш қийин, фарзандлар ўта эркин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар эса жуда ёмон ҳолатда. Фарзандлар қари ота-оналарига ғамхўрлик қилиш кераклиги ҳақида қайғурмайди, ажралиш эса осонлашмоқда[3].

Фромм таъкидлаганидек, одамлар ўз дунёсини яратди, уйлар, фабрикалар барпо этди. Машиналар ва кийим-кечаклар ишлаб чиқармоқда. Фан ва технология одамларнинг махсулдорлигини улкан даражада оширди. Бу шаҳарлашиш ва саноатлашиш янада юксалишига туртки бўлди. Шундай бўлсада, технологиядан фойдаланиш натижасида махсулот, меҳнат, тарих ва инсон замонавий жамиятнинг назорати остида қолди. Шу сабабли, одамларнинг яшаш тарзи жамиятнинг ўзгаришига боғлиқ бўлиб қолди ва инсон бунга табиий ҳолат сифатида қарай бошлади. Одамларнинг ҳаёт мувозанати товар айрибошлашга боғлиқ бўлиб қолди. Агар компания банкротга учраса, ишчининг ҳаёти таҳликада қолади, лекин ишчи ҳеч нарса қила олмайди, яъни, жамият фаолияти инсонга қарама-қарши ва бу ҳолатда инсон ўз ишидан бегоналашади. Фромм фикрича, капиталистик шароитда ишчиларнинг ўзларига ва бошқаларга муносабати жуда тарқоқ ва яқин шахсий муносабатлар ривожланмаган бўлади. Мисол учун, бир ишчи бошқаси билан бирга ишлаб, шеригининг шахсий ҳаёти ва ҳиссиётлари билан қизиқмайди лекин ишини жуда яхши бажаради. Лавозими кўтарилса бу шеригининг кўтарилишига ҳалал беришини билсада қувонади. Бу ҳолатлар инсонлар ўртасида бегоналашувни кучайтириб келтириб чиқаради. Фромм ўз фикрини бугунги жамиятдаги мусобақалар орқали асослайди. Мусобақа

одамларни бирлаштиради лекин уларни бир биридан бегоналаштиради. У инсонларни жисман бирлаштиради, яъни одамлар фабрикаларда ишлаб ва таълим муассасаларида бирга ўқиб-ўрганади. Лекин улар бир-бири билан хиссий ва рухий боғланмаган, қалбан бир биридан бегона бўлади. Фромм мусобақа бозордаги сотувчиларнинг сохта табассумига сабаб бўлишини таъкидлайди. Шунинг учун сотувчи ва харидор ўртасида самимий муносабат ўрнатилмайди. Болалар ва ёшлар мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун керак бўлган мусобақаларда мажбуран қатнашади. Уларнинг қанчаси нимани ўқиётганини ва нега ўқиётганини билармикан? Қанчаси шу ўқиётганни кундалик ҳаётда асқотишига ишонаркан?. Бугунги кун одамларнинг душмани бўлган “бегоналашув” саноатлаштиришнинг бир кўринишидир. Бегоналашувнинг кўплаб тарифлари, нуқтаи-назарлар ва уни тадқиқ қиладиган фанлар мавжуд бўлиб, улардан Игнасе Феиерлихт фикрича, бегоналашувнинг моҳияти узоқлаштиришга асосланади. Бошқа тариф бўйича бу сўз тушқунлик, қийинчилик, бахтсизлик, ёрдамга муҳтожлик, қатиятсизлик, баъзида айрилиқ маъноларини англатади. Фромм таърифича, одам ўзини дунёнинг маркази ва жараённинг яратувчиси деб ҳисобламай қўяди. Ушбу ғоя ҳозирги жамият характерининг марказий нуқтаси ҳисобланади. Одамларнинг қариндошлиги бу автоматлашган бегоналашувдир, ҳар бири жамоага яқинлашиб, ўз хавфсизлигини тامينлайди лекин бир бирини ҳис қилмайди. Натижада у ўзини ёлғиз ва хавотирли ҳис қиладди. Фромм фикрича, жамиятга мослашиб, бегоналашган одам ёлғизликни бутунлай ҳис қилаётган йўқ, лекин бегоналашув натижасида одам ўз ҳисларидан ҳам бегоналашади.

Мутафаккирга кўра инсон, биринчидан, ўз шахсиятидан, яъни ўзлигидан бегоналашиди ва технологиянинг ривожига асосидаги бегоналашув янги тарихий воқеликка айланди; икинчидан, жамиятдан бегоналашади. Жамиятдан бегоналашув аниқ маданиятга ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатга боғлиқ бўлди; учинчидан, худодан бегоналашди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, Фромм фалсафаси а) саноатлашган жамиятнинг ижтимоий тизими тадқиқига, б) товар ишлаб чиқаришга сиғиниш хусусиятига, с) техноген психологияга, д) инсоннинг моҳиятига, е) худодон бегоналашувга, г) тоталитар давлатнинг сиёсий тузумини таҳлил ва тадқиқ қилишга асосланади.

Фроммнинг жамиятдаги бегоналашув феноменига ечим сифатидаги фикрлари Карл Маркс қарашларидан фарқ қиладди. Маркс жамиятдаги ўзгаришларни социализмга томон бориш ва унга қўйилган қадам деб атаса, Фромм ижтимоий ўзгаришлар социализмга томон кетиш эмас, балки унинг акси томон бориш эканлигини таъкидлайди. Фромм Фрейд яратган инсон психологиясини қайта кўриб чиқиб, такомиллаштирган бўлсада, у Маркс томонидан ишлаб чиқилган мураккаб иқтисодий асосга эътибор қаратмайди. Фроммнинг бегоналашув концепцияси Марксга асосланган ва унинг капиталистик жамият тавсифи бегоналашув феноменини англашда муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, Маркс қарашлари қандай асосга эгаллигини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Маркс фикрича, замонавий жамиятда ҳар бир инсоннинг

шахсияти товар сифатида айрибошлаш хусусияти билан қадрланади. Инсоний муносабатлар товар ва айрибошлаш ҳолатида аҳамиятга эга бўлади ва унда ҳиссий ва ахлоқий томонлар иккинчи ўринга тушиб қолади. Иқтисодий омиллардан бутунлай холи бўлган дўстлик мавжуд бўлсада, инсоний муносабатлар исталган пайтда иқтисодий сабабдан узилиши ёки тўхташи мумкин. Маркс товар айрибошлаш худбинликни кучайтиришини ва одамлар бири-бирини алдаши одатий ҳолатга айланишини таъкидлайди. Шунингдек, янгича эҳтиёжларни яратиш кўпроқ ҳаракат талаб қилиб, мақсадга эришишда фақат ўзини ўйлаш бегоналашувни янада кучайтириб юборади. Одамлар худбинона эҳтиёжларини қондириш учун инсоний гўзал муносабатларини ва ҳиссиётларини қурбон қилади. Маркс пул ва товар айрибошлашга асосланган қадр одамлар ва жамият муносабатларини ўзгартирувчи куч эканлигини таъкидлайди. У содиқликни хиёнатга, севгини нафратга, эзуликни ёвузликка, оқилликни ахлоқликка ўзгартириб юборади. Пул шахсиятни ҳам ўзгартиради ва инсоний муносабатларни узади.

Фромм фикрича, бозор муносабатлари шакланган жамиятда меҳрибон ва маъсулиятли бўлиш қийинлашиб боришини айтади. Капитализм шароитида бегоналашув муаммосига биродарлик муҳаббатини шакллантириш ечим бўлади. Фромм замонавий жамият одамлари бегоналик ва ёлғизликдан халос бўлишлари учун севишлари ва мослашишлари кераклигини таъкидлайди. У севиш қобилиятини ривожлантирган одамда худбинлик йўқолиб боришига ишонади.

Фромм ўрта асрлар ва замонавий жамиятда озодликнинг кўринишини, ижобий ва салбий томонларини солиштириб, кўпчилик томонидан танқид қилинган ҳаёлий жамият ғоясини яратади. Юқорида таъкидлаганимиздек, бутунги жамиятнинг ўрнига биродарлик муҳаббатига асосланган, бегоналашув йўқолган жамиятни шакллантириш долзарб вазифадир.

Мутафаккирнинг бегоналашув масаласидаги асосий тушунчаси озодлик ғоясидир. Капиталистик жамият инсонни иқтисодий ва сиёсий соҳада озодликка олиб чиқди лекин руҳий қарам, бегоналашган ва ёлғиз инсонга айлантирди. Фромм фикрича, замонавий инсон озодликка ўзи эришгани йўқ. Бу унинг ҳиссий ва ақлий қувватининг ифодасидир. Инсоният диний дунёқарашини эркинлаштирган ва янгича эътиқодни шакллантирган бўлса ҳам, ички ишончини йўқотди. Бутуннинг инсони исботларсиз ҳеч нарсага ишонмайди. Илм-фан парадигмаларига мос келмайдиган қарашлар, ҳиссий ва интуитив ишончлар рад этилади. Инсоният сўз эркинлигига эришган бўлса ҳам унинг иддаоларини кўп қисми ҳамма ўйлайдиган ва гапирадиган қолипга солинган гаплардир, яъни уларни ўзи фикрлаш орқали яратгани йўқ ва унга фикрлаш эркинлиги аслида берилмаган. Фромм фикрича, бунга сабаб оммавий фикрлаш ва умумий ҳиссиёт устидан аноним ҳокимиятнинг мавжудлигидир. Оммавий ахборот воситалари ахборот етказиш билан бирга бир хил қолипдаги фикрларни ҳам тарқатади. Бу замонавий жамият инсонларининг интеллектуал кучини манипуляторидир.

Фромм бутунги кун инсони озодликни фақатгина салбий томонига эришганини, ижобий озодликка эришаолмаганлигини айтади. “капитализм инсониятни ананавий ришталардангина озод қилиб қолмай, фаол, ижодкор,

ижобий озодликка ҳам олиб бориши керак эди”[4]. Бугун инсонлар ижтимоий фаолиятда ва турли хил сиёсий фаолликда озодлигини намоён қила олди. Ҳозир инсонда ўзи ҳоҳлаган соҳада ишлаш учун танлов мавжуд, у аждодлари қандай бўлган бўлса, нима иш қилган бўлса у ҳам бутун умрини ўша соҳага сарфлашга мажбур эмас. Шунингдек, жамиятда у қулайлик ва хавфсизлик кабилардан иборат негатив озодликни қўлга киритди. Талабалар жуда кўп нарсаларни ўрганишлари талаб қилинганлиги учун уларда фикрлаш учун вақт қолмайди. Бу томондан инсон озодликни табиий равишда йўқотди ёки кўпроқ негатив озодликка эришди.

Фромм ўта ривожланган жамиятдаги ёлғизликка ечим сифатида ҳар бир инсон билан психоаналитик муолажа ўтказишнинг имкони йўқлигини билиб, капиталистик жамиятни буткул қайта қуриш керак деб, ҳисоблайди. У “бегоналашув ва ёлғизлик муаммолари бартараф қилинган макон қуриш ва унга инсонпарвар жамоавий социализм” номини беришни тавсия этади. Иқтисодий эркинликни яратувчи ижодий фаоллик асосида социалистик жамият лойиҳалаштрилади.

Фромм ишлаб чиқаришда монополияни бекор қилиш ва саноат марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтиши керак, деган хулосага келади. Фромм қандай жамият қуриш кераклигини айтади, лекин бу жамиятни қандай қуриш кераклиги ҳақида ҳеч нарса демайди. Социолог А.С.Гарбузов Фромм қарашларини шундай изоҳлайди. “бегоналашув ҳиссини енгиб ўта олган инсонлар жамоавий социализмга бўлган эҳтиёжни шакллантира бошлайди. Бу шунинг англатадики, аста-секин табақаланишсиз, инқилобсиз капитализм ўрнига гуманистик социализм бунёд этилади”[5]. Гарбузов фикрича, бегоналашувни енгиб ўтган одамларнинг ҳар бири ички эркинлик ва бахтга эга бўлган “янги одамлар” дир.

Фромм бундай инсонлар қуйидаги хислатларга эга бўлишини айтади.

- мардоновор эмас, шунчаки бера олади;
- очкўзлик, нафрат ва ҳомхаёллардан йироқ;
- яшашнинг эг олий мақсадига эга ва ўзлигини юксалтираётган;
- кучли иродага ва яқдилликка эга бўлган;
- ҳокимиятга интилади, лекин табиатни эгаллаш мақсадида, уни

бошқариш, фойда олиш, зарар етказишни қўзламайди.

Фроммнинг жамият ҳақидаги қарашлари капитализмни ўрнига ижтимоий муносабатлар самимийликка ва биродарлик муҳаббатига асосланган янгича жамиятни қуриш эканлиги келиб чиқади. Лекин Фромм инсонларни ҳозирги муаммолардан “қочиш”га уринаётганлигини танқид қилади. У инсониятдан умидвор эди. Инсонни ўсиши ва ривожланиши учун инсоният қобилиятлари ҳақида қайғуради ва бузғунчи майлларига қарши курашади. Ижтимоий ҳолатлар ва бузғунчилик ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этиш орқали маънавий етук инсон яралиши учун баъзи ижтимоий ва психологик қарашларни ўзгартириш кераклигини таъкидлайди. Фромм фикрича, баркамол сифатларни характерида мужассам этган янги инсон янгича жамиятни ташкил эта олади.

Фромм “Севги санъати” китобида “Муҳаббат бу инсоният мавжудлиги масаласига қониқарли ва ягона мантиқий жавоб” деб таъкидлаб, бегоналашувга ечим сифатида муҳаббатни келтиради. Қандай қилиб сеvgи бегоналашув масаласига ечим бўла олади?-деган саволга Фромм сеvgи ёлғизликни енгишга бўлган мухтожликдан пайдо бўлади ва бир бутунликка етаклайди” дея изоҳ беради. Муҳаббат инсонга бошқа инсонлар билан ва олам билан бир бутунлик туйғусини ҳис қилишга ёрдам беради ҳамда ёлғизликдан узоқлаштиради, бегоналашувни йўқотади.

Фромм муҳаббатни бир нечта турларини фарқлаб, уларни ичида биродарлик муҳаббати жамият учун аҳамиятли эканлигини таъкидлайди. Биродарлик муҳаббати асосида жавобгарлик, ғамхўрлик, ҳурмат мужассамлашган бўлади. Бу муҳаббат тури барча инсонлар бир моҳиятга, бир тарихга ва бир ҳил ҳиссиётга эга экан, бир бирига муҳаббат қўйишлари зарур деган фикрга асосланади[6].

Капиталистик жамиятда бирор инсон ўз қизиқишларини бошқа инсонга мосламайди. Бу жамиятда инсон эгалик қилаётган ҳамма нарсадан воз кечиш истагини билдира олса, худбинлик ва очкўзлик ҳисси камаяди. Капиталистик жамиятда соф биродарлик муҳаббатини яратиш имкони борми? Биринчи масала ўз-ўзига муҳаббатни шакллантири, яъни ўзидан кўнгли совушини йўқотишдир. Чунки ўз-ўзини севиш ва бошқаларни севиш бир биридан ажралмасдир. Агар инсон ўзини сеvса, бошқаларни ҳам сеvа олади. Шундай экан, агар сиз бирор инсонни сеvсангиз бутун инсониятни ҳам сеvа оласиз. Капиталистик жамиятда эгоизм ва ўз-ўзидан узоқлашиш кучайиши жараёнида биродарлик муҳаббатини шакллантириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

References

- [1] Kaori Miyamoto. Erich Fromm's theory on alienation. University of Massachussets Amherst. Masters theses.1987. pp.62
- [2] Karl Marx, ed. By C.J. Arthur, The German ideology, New York: International publisher, 1970, pp. 218
- [3] Fromm E, Escape from freedom, New York: Holt, Rinehart and Winston, 1941, pp. 357
- [4] Karl Marx, Fredrick Engels: Collected works. Vol.3, New York: International Publishers, 1975. pp. 279
- [5] Garbuzov A.C., The conception of man in the philosophy of Erich Fromm, Soviet Studies in Philosophy, 1985, Vol. 24, pp. 89
- [6] Fromm E, The art of Loving, cited by Nathaniel Branden, “Alienation”, in capitalism: The unknown ideal. New York: The New American Library, 1966, -pp. 305